

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети ректори

2018 йил “13” 08

“КЕЎНШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2018 йил “13” 08

Рўйхатга олинди: № БД-5141000-2.06

2018 йил “18” 08

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК

ФАН ДАСТУРИ

|                  |         |                  |
|------------------|---------|------------------|
| Билим соҳаси:    | 100000  | - Гуманитар соҳа |
| Таълим соҳаси:   | 140000  | - Табiiй фанлар  |
| Таълим йўналиши: | 5141000 | - Тупрокшунослик |

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” “08” даги 4 -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” “08” даги 744 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасалари томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида ишлаб чиқилди.

#### Тузувчи:

З.Хандмухамедова - ЎЗМУ, “Тупрокшунослик” кафедраси доценти, кишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент.

#### Такризчилар:

Ў.Тошбеков

- ГулДУ, “Тупрокшунослик ва агрономия” кафедраси доценти, к.х.ф.н. (*турдош ОТМ*)

Р.Қурвонтоев

- ТАИТИ, “Тупрок физикаси ва технологияси” бўлими мудири, кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор (*кадрлар истеъмолчиси*).

Фан дастури Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тасвир қилинган (2018 йил “15” “07” даги 3 - сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан “Ўсимликшунослик” предмети, мақсади ва вазифаларини, илмий асослари, ривожланиш тарихи, асосий бўлимларини; бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги; фanning кишлоқ хўжалик ва экологик муаммоларни ечишдаги ўрни; ўсимликшуносликнинг тупрокшунос мутахассис тайёрлашдаги ўрни каби масалаларни камрайдди. Кишлоқ хўжалигида маданий экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олиш, уларнинг биологик хусусиятларини; етиштириш агротехникасини билиши зарур. “Ўсимликшунослик” фани айнан шундай кўникма ва билимларни бериши лозим бўлган фан ҳисобланади.

“Ўсимликшунослик” умумкасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 1-курсда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. “Ўсимликшунослик” фани гуманитар ва табиий фанлар туркумига киради ва барча тупрокшунослик бакалаврият таълим йўналишларида ҳам ўқитилади. Мазкур фан бошқа тупрокшунослик фанларнинг назарий ва услубий асосини ташкил қилиб, ўз ривожда аниқ йўналишдаги тупрокшунослик фанлар учун замин бўлиб хизмат қилади.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга ҳорик тажрибаси асосида ўсимликшуносликнинг илмий асосларини; ривожланиш тарихини; маданий экинларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва уларни районлаштиришни; биологик хусусиятларини; етиштириш ва йиғиб-териб олиш усулларини; истикболли турлари ва навларини; агротехникаси ва экиш технологиясини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда тадбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, табиий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашиш ҳамда илмий дунёкарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

– ўсимликларнинг ҳаёт омиллари ва ташки муҳит шароити; экин экиш муддати, усуллари ва нормаси; ўсимликшуносликнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганишда қўлланиладиган тупрокшунослик таълим йўналишига оид замонавий тадқиқот усуллари; улардан оқилона фойдалана олиш тўғрисида *тасаввурга эга бўлиши;*

– “Ўсимликшунослик” фанининг илмий асосларини; ўсимликларнинг келиб чиқиш марказларини; ботаник ва биологик хусусиятларини; ўсимликлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологиясини, дала экинларини ўрганиш учун уларни гуруҳларга бўлинишини *билиши ва улардан фойдалана олиши.*

– ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини билиши учун лаборатория ва дала тажриба усулларини ўтказиш; донли, дуккакли-дон,

мойли, толали, илдиз ва туганак мевали экинлар систематикасини тузиш; уларнинг морфологик белгиларини, турларини аниқлаш; экинларнинг ривожланиш фазалари, шохланиш типларини, гул тузилишларини фенологик кузатиш; экинларнинг уруғини ташки белгиларига қараб аниқлаш кўникмаларига эга бўлиши керак.

### III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари) Ўсимликшунослик

#### 1-мавзу. “Ўсимликшунослик” фанига кириш

Фаннинг мақсад ва вазифалари. Ўсимликшунослик фанининг ривожланиш тарихи. Ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлик. Ўсимликшунослик фанининг тадқиқот усуллари. Маданий ўсимликлар ва уларнинг келиб чиқиши. Маланий ўсимликларнинг таснифи. Уруғларни экишга тайёрлаш ва сақлаш.

#### 2-мавзу. Донли экинлар

Донли экинларнинг умумий тавсифи. Донли экинларнинг ботаник ва биологик хусусиятларида гуруҳланиши. Биринчи гуруҳ дон экинлари. Доннинг кимёвий таркиби. Донли экинларнинг ўсиш ва ривожланиш фазалари. Кузги ва баҳорги дон экинлари. Бугдой, жавдар, арпа ва сулиннинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, келиб чиқиши, тарқалиши, ботаник ва биологик тавсифи, навлари ва агротехникаси. Бугдой турлари. Баҳорги, кузги, каттик, юмшоқбугдой. Иккинчи гуруҳ дон экинлари. Тариксимон дон экинларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти. Тарик, маккажўхори, ок жўхор ва шолининг келиб чиқиши ва тарқалиши. Уларнинг ботаник ва биологик тавсифи, навлари, турлари, экинларни етиштириш усуллари ва агротехникаси.

#### 3-мавзу. Дуккакли-дон экинлари

Дуккакли-дон экинлари, уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти. Дуккакли-дон экинларининг бошқа экинлар билан биргаликда экишнинг аҳамияти. Дуккакли-дон экинларининг азотфиксацияси. Нўхат, кўк нўхат, соя ва ловиянинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, келиб чиқиши, тарқалиши, ботаник ва биологик тавсифи, турлари, навлари, ҳосилдорлиги, агротехникаси ва етиштириш технологияси.

#### 4-мавзу. Мойли ва эфирмойли экинлар

Мойли экинлар. Кунгабоқар, кунжут, ер ёнгок ва махсарнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, келиб чиқиши ва тарқалиши. Ботаник ва биологик тавсифи, турлари, агротехникаси. Эфирмойли экинлар.

#### 5-мавзу. Толали экинлар

Толали экинлар. Дунё дехкончилиги ва республикада етиштирилдиган асосий толали экинлар. Ғўза ва канопнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, келиб чиқиши, тарқалиши ботаник ва биологик хусусиятлари, турлари, навлари, агротехникаси ва етиштириш технологияси.

#### 6-мавзу. Туганак ва илдиз мевали экинлар

Туганак мевали (крахмал тўпловчи) экинлар. Картошканинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, келиб чиқиши, ботаник ва биологик тавсифи,

турлари, экиш муддатлари, навлари ва агротехникаси, ҳосилни йиғиб териб олиш технологияси. Илдиз мевали (шакар тўпловчи) экинлар. Қанд лавлагининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, ботаник ва биологик тавсифи, турлари, навлари ва етиштириш агротехникаси.

#### 7-мавзу. Ем-хашак экинлари

Ем-хашак экинлари. Беда ва себарганинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, ботаник ва биологик хусусиятлари, уларнинг турлари, етиштириш усуллари ва агротехникаси.

### IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Донли ва дуккакли дон экинлар систематикаси ва анатомик тузилишини ўрганиш. Донли ва дуккакли дон экинларни гул тўплами ва мевасига қараб аниқлаш.

2. Мойли ўсимликларнинг тавсифива систематик белгилари.

3. Толали ўсимликларни уларнинг толаси ва уруғига қараб аниқлаш. Ғўзанинг ўсиш ривожланиши ва мевашохларининг тузилиши.

4. Туганак ва илдизмевали экинларнинг умумий хусусиятлари, уларни уруғи, майсалари, барглари ва илдизмеvasига қараб аниқлаш. Картошка ва қанд лавлагининг илдизининг тузилиши.

5. Ем-хашак экинлари. Кўп йиллик ва бир йиллик дуккакли ўтлар. Дуккакли ўтларни баргига ва тўп гулига қараб аниқлаш. Беда ва себарганинг морфологик тузилиши.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академ. гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтказилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Изоҳ: Фаннинг ишчи ўқув дастурини шакллантириш жараёнида ишчи ўқув режада мазкур машғулот турига ажратилган соат ҳажмига мос мавзулар танлаб бажарилади. ОТМ имкониятидан келиб чиққан ҳолда янги амалий машғулот мавзулари киритилиши мумкин.

### V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш

2. Мойли экинларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, биологик, ботаник хусусиятлари ва агротехникаси.

3. Полиэкинларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, биологик, ботаник хусусиятлари ва агротехникаси.

4. Илдиз ва туганакмевали экинларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, биологик, ботаник хусусиятлар ва агротехникаси.

5. Ем-хашак ўтларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, биологик, ботаник хусусиятлари ва агротехникаси.

Мустақил ўзлаштирилладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

Изоҳ: Фаннинг ишчи ўқув дастурини шакллантириш жараёнида ишчи ўқув режада мазкур машғулот турига ажратилган соат ҳажмига мос мавзулар танлаб бажарилади. ОТМ имкониятидан келиб чиққан ҳолда янги мустақил таълим мавзулари киритилиши мумкин.

#### **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари** **Асосий адабиётлар:**

1. J.Benton Jones. Jr Agronomic Handbook. London, New York. 2003
2. Mohammad Pessararli. Handbook of plant and crop stress. 2011, London.
3. Никляев В.С. Основы технологии сельскохозяйственного производства. Земледелие и растениеводство. Былина, 2000.-557 с. ISBN: 5-93384-013-0
4. Атабаева Х. Ўсимликшунослик. Тошкент, 2006.
5. Ёрматова Д. Дала экинлари биологияси ва етиштириш технологияси. Тошкент, 2000.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқими билан бирга қурамыз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт таракқиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2016.
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
10. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Тошкент. Маънавият, 2017
11. Атабаева Х., Орипов Р.О. Ўсимликшунослик. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2007.
12. Хайдмухамедова З., Қулмуродова Ё. Ўсимликшунослик. Услубий қўлланма. Тошкент, Университет, 2010.
13. Xaidmuhamedova Z. Osimlikshunoslik. Uslubiy qollanma. Toshkent, Universitet, 2010.
14. Ёрматова Д. Дала экинлари биологияси ва етиштириш технологиясидан амалий машғулотлар. Тошкент. 2001
15. Сидиков С., Фахрутдинова М. Тупроқшунослик ва ўсимликшунослик асослари. Тошкент, Университет, 2005.
16. Чирков В.Н. Ўсимликшуносликдан практикум. Тошкент, Ўқитувчи. 1976
17. “Ўсимликшунослик” фанининг ўқув-услубий мажмуаси.

18. Аудио-видео ва компьютер техникаси, слайдлармажмуаси, ўқувжараёнигаоидплакатлар.

#### **Интернет сайтлари:**

19. WWW ziyonet uz.
20. <http://e-lib.qmii.uz/ebooks.php> - электрон кутубхонаси